

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Узбекистон жумҳурияти ИИВ ҳайъати нашри

● 130 (2394).

● 1991 ЙИЛ 29 ОКТЯБРЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИН.

ҲАММАСИ ЭҲТИЁТСИЗЛИКДАН

«Постда» рўзномасида жумҳуриятимизнинг турли миңтақаларида эҳтиётсизлик туфайли ёнгин чиқиб, оқибатда жиддий зарар кўрилаётгани тўғрисида теззет хабарлар берилмоқда. Айни пайтда бефарқлик ёмон идлат эканлиги қайта-қайта таракорланмоқда.

Аммо минг афуски, кўпчилик бу ташвиқлардан тўғри хулоса чиқармаяти. Шу сабабли киши этини жунжиктирувчи хабарлар оқими сусаймаяти.

1 октябрь куни Намангандан вилоятининг Янгиқўргон туманинг Нанай қишлоғида жойлашган шифохонада ёнгин содир бўлди. Ут ўчирувчиларнинг ўз вақтида етиб келиб, барча имкониятларни ишга солганлари туфайли, минг шукрки, ҳеч ким жабр кўрмади. Текшириб кўрилса, электр симларининг эскириб қолганлиги шундай кўнгилсизликка сабаб бўлган экан.

Яна шу куни Сирдарё вилоятидаги «Оқ олтин» туманинда одамлар «чоп-чоп»га тушиб қолдилар. Транспортёр носозлиги туфайли келиб чиқсан ёнгин 256 килограмм пахтани кўдириб, кулга айлантириди.

2 октябрь куни Чирчиқ шаҳрининг Сариёб кўчасидаги хонадонлардан бирида аза очилди. 28 ёшли ўйигит масти ҳолатда чекиб ётган кўйи ухлаб қолган экан. Шу сигарета туфайли унинг умри хазон бўлди, уйдаги ҳамма нарсанинг кули кўкка совурилди.

3 октябрь кунига келиб эса Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманинг Ленинград жамоа хўжалигига 2 ярим тонна янги терилган пахта гуриллаб ёниб кетди. Евни даф этиш имкони бўлмади. Ҳозир бу сабабларини жумҳурият ИИВ ёнгиндан сақ-

лаш бошқармасидан жўна-тилган гуруҳ ўрганмоқда.

15 октябрь. Бу кун Андикон вилоятининг Избоскан туманинг Тиллабоев номли жамоа хўжалигига истиқомат қилаётган уч оиласа катта қайғу олиб келди. Улардан бирида ўрнатилган иситигич мўркони нотўғри қурилгани «сариқ дэв»нинг хуружига замин яратди.

20 октябрь куни эса Намангандан шаҳридаги миллий таомлар ошхонасига ўт кетди. Ут ўчириш қисмлари ёнгинни бартараф этиди. Аммо... бир кишининг мурдаси топилди.

Ҳозир маҳсус гуруҳ ўша одамнинг шаҳснини ва фалокат сабабларини аниқлаяти.

Умуман олганда, октябрь ойининг 23 кунида жумҳурият бўйича 443 марта ёнгин содир бўлганлиги қайд этилди. Шу фалокатларнинг 80 фоизи турар-жойларда юз берган.

Мутахассисларнинг айтишича, 56 марта болаларнинг гугурт ўйнаши, 28 марта телевизор ўчирилмагани, 83 марта электр асбоб-ускуналаридан нотўғри фойдаланиш туфайли ана шу кўргуликлар содир этилган. 22 марта сада эса эслихушли кишиларнинг мастилиги «тилсиз ёв»ни «газаблантирган».

Ўзбекистон бўйича эса жорий йилнинг 9 ойида 18 минг 245 марта ёнгин чиқсан. Бунинг моддий зарари эса оз. эмас, кўп эмас — 12 миллион 669 минг 15 сўмни ташкил этади.

Ана энди бу ёғига хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзиға ҳавола.

Асомиддин АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон жумҳурияти ИИВ ёнгиндан муҳофаза қилинг бошқармаси ходими, ички хизмат катта лейтенанти.

ЭХ, БОЛАЛАР, БОЛАЛАР...

ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚАР

катларини бошқалар сезмаган-бўлмаган дейсизми? Бўлмаган гап. Фақат «шўх»ликка йўйиб қўя қолишган.

20 октябрь куни у қўлда ясалган ўқотар қуролдан фойдаланиб кўрмоқчи бўлди. Унинг «шўхлиги» ёмон оқибат билан тугади. Босишидан қаттиқ яраланган ҳолатда шифохонага келтирилди.

Бахтили тасодиф туфайлигина унинг ҳаётини сақлаб қолинди...

ЎҒРИЧАЛАР ИИБда

31 август куни болалар учун мўлжалланган ўйингоҳ (автомат-ўйинлар зали)дан нархи 40 минг сўмлик иккита компьютер ўғирланди. Гуллистон шаҳар ИИВ жиноят қидирив ходимлари деярли бир ярим ой эргицўл кимсаларни қидиришди. Ана шу саът-ҳаракатлар бесамар кетмади. Аммо ўғрилар улар ўйлагачалик «тажрибали» кимсалар эмас, балки ўн

Р. ШОМОУҲАМЕДОВ,
милиция майори.



СЕМИНАР-КЕНГАШ

ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Фарғона вилояти ичкӣ ишлар бошқармасида шахсий таркиби ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича семинар-кенгаш ўтказилди. Унда воий вилоятларининг ички ишлар бўлимлари бошлиқ ўринбосарлари иштирок этилди.

Кенгашни Фарғона вилояти ИИБ бошқармасининг ўринбосари милиция подполковники Гофирижон Зоқиров очди. Жумҳурият ички ишлар вазири ўринбосари Курбонбой Боймуродов сўзга чиқиб, бугунги кунда милиция олдида турган ишлар, муаммолар ва келажакдаги режалар ҳақида гапириди.

Шундан кейинги иотиқлар шахсий таркиби ижтимоий ҳимоялаш борасидаги фикр-мулоҳазалари, тажрибалари билан ўртоқлашилар.

Семинар сўнгиди Қ. Боймуродов кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб берди ва ҳозир бўлганларни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан иктулади.

М. КИМСАНБОЕВ

БУ НЕ КЎРГУЛИК?

«Постда» рўзномасининг ҳар бир сонини кучли интизорлик билан кутадиган бўлиб қолдим. Ундаги ҳар бир мақола эса, ҳажмидан қатъий назар, эътиборидан четда қолмайди. Ўқийману ўга толаман. Ҳаёлимда жавобиз саволлар чарх ураверади.

Агар муҳлисларнинг ёдларидан кутарилмаган бўлса, 15 октябрь куни ўзлон қилинган «Болами, баломи?» деган материал юзасидан ўз мулоҳазаларимни ўртоқлашмоқчи эдим.

Ажабо, нималар бўляпти ўзи? Одам ўлдириш чумчук сўйишдан ҳам осон бўлиб қолдими? Бундай қабоҳатга кимлар қўл урятти? Шаҳар мазмунидан келиб чиқадиган бўлсан, 2-3 марта қамалса ҳам тавбаси таянмaganлар. Ҳатто улар орасида она сути оғзидан кетмаган ёшлар бор. Бу не кўргулик!?

Бу сафар ҳам турли ҳаёллар (оғрикли) уммона гараж бўлдим. Уйлай-ўйлай тубанликка йўл очаётган омилларни топдим, шекилли. Биринчидан, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат унтулаётгани бўлса (бу фожиа!), иккинчидан, қонунларимиз ниҳоятида бўш (ўлганнинг устига тепгандек).

Ноумид шайтон дейдилару, аммо меҳр-оқибатни яна одамлар орасига қайтариш — анчагина маҳзум масала. Қўлимиздан келадигани — ҳозирча қонунларимизни пишиқ-пухта қилиб ўзгартириш керак. Токи бир марта деворга пешонаси урилган кимса, иккинчи бор шу йўлга киришга юраги дов бермасин.

Бу таклифим баъзи ҳуқуқ шуносларга ёқмаслиги табиий. Улар инсон ҳуқуқлари топталмайдими, дейишлари мумкин. Хўш, ундей тақдирда ҳалол пешона тери эвазига топган мулкидан айрилган, фавқулодда безори ҳўлида ҳалон бўлаётган ёки номуси топталаётгандарнинг ҳуқуқлари бир пулми?

Масалага ана шу нуқтани назардан ёндашиш керак.

Кези келганда битта таклифими ҳам айтиб олганим маъқул. Менимча, рўзноманинг номини «Қалқон» деб ўзгартириш керак. «Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун» деган шиор ўрнига эса «Жиноятчила шафқат йўқ!» деб ёзиш лозим.

Икром ҚОБИЛОВ.

НОБАКОР

Бу жиноятнинг айбдори иккичараси — ичкилик ва бекорчилик.

Илгари ҳам иккичараси мартадан судланган Александр Иванцов озодликка чиқаётчи, ичкиликка мукласидан кетди.

Неварасининг таралабедод ҳаётини ёқтирган бувиси жаврагани-жавраган эди. Хотининг панд-насиҳатларини кулоқча илмаган ношуд қарни бувисининг маслаҳатига кирсими!

Уша куни Александр одатдагидай гандираклаб уйга келди. Турмуш ўртоғи билан жанжаллаша бошлади.

М. ИБРОҲИМОВА.

Мамлакат Президенти даврасидагилар ҳеч қачон эзтибордан четда қолган эмас. Матбуот ҳукумат раҳбари ёнидаги қишиларни у ёки бу услубда ўқувчиларга танишириб келган.

Август воқеаларидан кейин эса уларга нисбатан жамоатчилик диктатори эзтибори янада кучайди. Аммо ҳали ҳам улар орасида бошқалар учун сирли бўлиб қолаётганлар йўқ эмас.

ПРЕЗИДЕНТ ССЖИ

Бу бақувват йигитлар хавфсизлик хизмати ходимлари эканлиги ҳаммага мълум. Аммо улар ва уларнинг фаолияти ҳакида ги маълумотлар маҳфий тутиларди, журналистларнинг бу борадаги қизиқишлари ижобатсиз қолдириларди.

Бугун биз биламизки, ССЖИ Президенти хавфсизлиги хизматини полковник Валерий Пестов бошқарди ва бу хизмат ДХК таркибидан ажратилиб, бевосита Президентнинг ўзига буйсундирилган.

Эндиликада кенг жамоатчилик ҳукумат раҳбари хавфсизлиги қимларга ишониб

топширилганини аниқ билиши керак. Чунки нафақат Президент ҳаёти, балки Ватан, қолаверса ҳар биримизнинг тақдиримиз шу қишиларга боғлиқ.

ССЖИ Президентининг Кремлдаги қарордохи биноси. Поёндоз тушалган жижит йўлак. Унинг бир томони ҳовлига қараган деразалардан иборат, иккичи томонида эса рақамланган, аммо исм-шариф ёзилмаган баланд-баланд эшиклар. Бу ерда шундай сукунат ҳукмронки, гүёни ҳеч ким йўқдек.

Чап томонга бурисла, йўлак тўппа-тўғри

Президент иш ҳонасида олиб боради.

Махсус ром [спецрамка] юнгироғи навбатчилик қилаётган уч нафар соқчиларга ёнимда нафақат дафтари, балки қаттиқ жисм борлигини билдири. Мени уларнинг бошлиги кутаётган бўлсада, бу йигитлар бариди ҳар бир ишни билан ўша нарсаларни сурнширишди. Диктофон, фотоаппарат, машнина калити хавфтудирмайди, демак йўл очиқ.

Президент қабулхонасининг шундоқи на ёнидаги мўъжазгина ҳонада диктофонни ишлатиб, сұдбатни бошладик.



БИЗНИНГ СУҲБАТДОШИМИЗ — ССЖИ ПРЕЗИДЕНТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ БОШЛИГИ ВАЛЕРИЙ ПЕСТОВ.

— Валерий Борисович, майли десандиз, бошидан — хавфсизлик хизматига келган пайтингиздан бошласак.

— Мен Михаил Сергеевич қўриқчилигида 1985 йилдан, аникроғи партия МҚга бош котиб бўлиб сайланганидан кейин иккиси кун ўтагч, иш бошладим. Дастреба оддий ходим бўлганиман. Кейин эса поғонама-погома қўтарилиш...

— Бу ерда оддий ходим ўрни ҳам офицерлик лавозимими!

— Ҳа. Бу ерга келганимда майор эдим. Шахсий қўриқчиликка тайинланни учун олдин мълум босқичдан ўтиш керак. ДХКда хавфсизлик бошқармаси (собик «тўққизинчи»)да ўзига хос тартиб мавжуд. Пралоршчикликка эса худди ДХКдаги каби партия ва комсомол идоралари, ҳарбий комиссариатлар тавсияномаси орқали қабул қилинади.

— Сиз бунга қандай келиб қолдингиз!

— Менга ҳарбий хизматдан кейин таклиф этишид. Ўлаб кўриб, розилик билдирид. Бунгача жисмоний тарбия олий билимгоҳида ўқиридим — спорт устаси эдим. Озгина ўқиб, кўнглимга унчалик ёқмаганини учун ташлаб юборганиман.

— Қариндош-уругларнинг орасида чекистлар бўлганими!

— Иш, отам ҳам, онам ҳам иши.

— Бу йўлни танлаётганингизда уларнинг маслаҳатини олганимисиз!

— Ҳа. Отам иккиласада, ҳеч нарса дедиди. «Ўзинг ҳал қилавер!» — дейиш билан чекланди. Ўтрасини айтганда, нима билан шуғулланишимни билмасдим. Кейин эса ўқиш: пралоршчиклар курси, офицерлик имтиҳони, ДХК олий мактаби.

— Офицер бўлганингиздан кейин ўйландингизми!

— Йўқ, унгача. 1973 йилнинг август ойида қўриқлаш бошқармасига ҳужжат топшираётган пайтларимда рафиқам билан танишганиман. Иккиси ойдан кейин эса ниҳоидан ўтганимиз.

— Демак, биринчи қўришдаги мұҳаббат эканда!

— Шундай дейиш мумкин.

— Сиз турмуш қўришдан олдин раҳбарларнингиздан тегишили текширишлардан сўнг рухат сўраганимисиз? Бу ДХКдаги умумий тартиб.

— Иш бошламасдан олдин уйланганиман. Табиийки, унда ҳеч қанақа текширувга ҳожат бўлмаган.

— Ҳизматнинг яқинларнингиз, оила аъзоларнингиз билан ўтадаги муносабатни ташкил сизниң кўрдим!

— Албатта, ҳатто кучли даражада дейиш мумкин. Чунки тез-тез улардан йирокда бўлишга тўғри келади. Оиламдагиларку бунга ўрганиб қолишиб. Бирор аввалдан учрашувларни ёки бирор жойга боришини режалаштиrolмай қолганимиз яқинларим ҳамда биродарларимни сал гангитиб қўйди.

— Ҳозир улар сизнинг нима иш билан машгул эканлигингизни билиши керак! Нега деганда телевизион ва фотопорталарда сизни Михаил Сергеевич ёниранса Максимовна ёнида тез-тез қўриб туришади.

— Кейинги пайтларда буни сир тутиш қишини бўлиб қолди. Авваллари эса ҳатто хотиним умуман мени ДХКда ишлайди деб ўйларди. Биз у билан бошидаёт келишиб олганимиз. У менинг кундалик машғулотларим билан қизиқмайди — бу ҳам бўл-

са, ишимишнинг ўзига хос томони.

— Вақт ва об-ҳаво билан ҳисоблашмай қандайдир эшик ва дарвозалар, машиналар ёнида соатлаб турсига тўғри келади. Шу туфайли ишингиздан кўнгленинг сувиган пайтлар бўлганими!

— Ҳа, кайфият ҳар доим ҳам бир хил бўлавермайди. Ҳар қандай касбнинг ёқмайдиган томонлари ҳам бор, назаримда. Мисол учун сизнинг касбингиз ҳам ҳар томонлама кўнгилдагидек бўлмаса керак.

Бизники эса мингта чигириқдан ўтиб шаклланган жамоа билан боғлиқ. У эса бир-бирини бир қарашдәк сўсиз, имошорасиз тушуна оладиган қобилият эгаларидан ташкил топган. Ҳатто рафиқаларимиз ҳам ўзаро дўстлашиб кетишган.

— Бундай доимий муносабат зерикарни эмасми!

— Йўқ. Чунки биз доимо бирга бўлмаймизда. Кун тартибимиз шундайки, системали равишда алмашиниб турамиз. Фақат узоқ хизмат сафарларидагина бирга бўламиз. Худди Форосдагидек. У ерда Михаил Сергеевич одатдагидек йигирма кун дам олади ва биз ҳаммамиз унинг ёнида бўламиз.

— Хотинингиз ишлайдими!

— Яқингача илмий тадқиқот билимгоҳида ишларди, мутахассислиги — тарихчи. Аммо ҳозир кадрлар қисқартирилишига тушиб қолган.

— Болаларнингиз-чи!

— Ўғлим 17 ёнда, ҳуқуқшуносликка ўқияти.

— У олий билимгоҳни сизнинг маслаҳатинингиз билан ташлаганими!

— Шундай деса ҳам бўлади. Кейинги уч йил мобайнida у бошқармамизда ходимларимиз фарзандлари учун очилган каратэ тўғаррагига қатнарди. У ерда мамакали йўриқчилар ва ўзимиз билан шуғулланишибди. Бу ўғлима ёқиб қолди. Ҳатто Москвада ўз тенгкўрлари орасида ўтган биринчиликни олди. Эзда эса ҳарбийлаштирилган оромгоҳ (лагер)да машғулотлар давом этади.

— У ҳизматнингизга доир саволлари билан сизни қўйини ақвонга солиб қўймайдими!

— Онаси билан муносабатимиз унга ҳам сабоқ бўлган.

— Мамлакат иккига — Горбачёв ёки Ельцин тарафдорларига бўлинганида ҳам оилангизда сиёсий мунозаралар бўлмаганими!

— Нега энди, ҳар хил мавзуда муносабалар бўлган. Ўғлим мендан комсомол сафига кирайми-йўқми, деб сўраган. Амалда эса кирмади. Айниқса чет эл сафаримдан кейин партия, давлат тузилиши бўйича кўп сұхбатшагимиз. Ҳеч нарсани безамасдан, шундоқлигига айтганиман. Хотиним гоҳ Ельцин ёнини оларди, гоҳ Горбачёвнинг, кейин яна Ельциннинг, сўнгра эса Горбачёвнинг. Бу баҳслашувларда менга осон бўлмаган. Чунки ўз нукта-назарим бор эди, аммо ҳизматим туфайли очиқ-оидин айтольмасдим.

— Ўғлингиз олий билимгоҳдан сўнг ДХКда ишлашини ходлайсизми!

— Ота сифатида йўқ. Менга орнитология ва эхтимология кўпроқ ёқади. Аквариумда балиқчаларни парвариш қилишни севаман.

— Табнат ёнидаги ҳорди ҷиқаридан ташкиари яна нимани ёқтирасиз!

— Спорт. Армиядан олдин қайиқда эш-

как эшиш, кейинчалик эса ўзимизнинг машғулотлар. Меҳнат таътилида 20 кун давомида Медведица дарёсида оиласиди эшиш билан шуғулландик.

— Ўшанда хизматдан ва Марказдан алоқангиз узилганими!

— Керак бўлиб қолсанам, топишлари жуда осон эди. Чунки дам оладиган жойим, харакатим ўналиши, муддати ва алоқа тартибини келишиб оламиш.

— Ҳавфсизлик хизматига ходимларни қайси жиҳатларига қараб танлайсизлар!

— Жисмоний тайёрларлиги, юз тузилиши, бўйи, сувлатига қараб. Унинг оиласидаги мухит ҳам катта аҳамиятга эга. Биринчи галдаги саволлар ҳам ота-онаси, хотини, ўтадаги муносабатлар ва уларнинг қизиқшариридан бошланади. Оилада ўзаро ишонч кучли бўлиши керак. Чунки хизмат давомида тез-тез ўйда бўлмаслика, кечалари ҳам огохлантирмасдан жўнаб қолишга тўғри келади.

— Агарда сиз қўриқлаш бошқармасига ишга кириши жуда жуда хоҳласангиз, оладаги иккичилирларгача айтиб беришингиз шартми!

— Биз уларнинг хонадонларига борамиз, рафиқалари ва бошқа яқинлари билан мулоқотда бўламиз. Бундан ташқари ҳамма иштирок этадиган турли тадбирлар ўюштириб турамиз. Масалан, рус қиши байрами. Мана, беш йил бўлдикни, ҳаммамиз оила аъзоларимиз билан йигиламиз. Турли ўйинлар қиласиз, мусобақалар. Унда болалар ҳам қатнашишади, аёллар қўймоқ пиширишади...

Дарвоқе, сизни ҳам таклиф этаман.

— Раҳмат, Сизлар бир-бирларнингизга қандайдир мурожаат қиласизлар, исм-шариф ёки ўнвон!

— Шундай анъана бор: асосан исми, ўшига қараб эса исм-шарифи билан. Унвонимиз эса ҳарбийларнига монанд моешда ва бошқа имтиёзларда фарқланади.

— Агарда ҳизматнингизда оила шундай катта аҳамиятга эга бўлса, демак, бошқарма ходимларининг ҳар бирни оиласи ҳавас қиласа арзийдиган даражада эканди!

— Кошикйди.. (кулади).

Аммо бизда ҳам ажраллиш ҳоллари учради туради.

— Бундай ҳолларнинг ишга таъсири бўладими!

— Яқин-яқинларгача жуда ҳам таъсири бор эди. Партикомга чақириб, «маъруза ўқишилар» бошланади. Аммо бу ҳаракатларнинг бирор марта фойдасини сезмаганиман. Undan кейин навбатдаги унвонни олиш, ҳизмат бўйича қўтариши масалала-рида қатор муммомлар пайдо бўларди. Хуласа, таржима ҳолга доғ тушарди.

— Энди сиз раҳбар сифатида бу бора ўзгариш қиласизми!

— Фикримча, бундай нарсаларга барҳам бериши керак. Одамнинг бошига шундоқ ҳам оиласиди кўргилик тушган. Ўлганнинг ўстига чиқиб тепишининг нима кераги бор? Ўстига-устак у малакали ҳодим бўлсан.

Колаверса, унвони ошмаса, маоши ҳам шундоқлигига қолаверади. Бунинг эса онлари ва болаларига ҳам зарари бор.

— Айтмоқчи, ходимларнинг ўртача қандайдан маош олишибади!

— Янги структура бўйича ҷан

риш, сувда сузишда моҳир ҳамда ҳар қандай машинани бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Энг муҳими эса ишга садоқати.

— Бошқа тилларни билиши шартми!

— Чет элларга бўладиган сафарларимизни ҳисобга олганда, тил билиш зарар қильмайди. У ерлардаку, тилмочлар бўлишади, аммо уларсиз ҳаракат қилган маъқулроқ.

— Сизда қўриқлаш обьектини танлаш имконияти борми!

— Агар ўша одамнинг бирор ҳислати менга ёқмас, уни қўриқлашдан бош тортишим мумкин. Бу ерда гап кимни муҳофаза қилишда эмас, бурчни адо этишда. Ишимида қўриқланашётган одамга хайри-хоҳлигингиз ёки хайриҳоҳ эмаслигингиз ахамиятсиз нарса. Шахсан менинг лавозимим у одам билан яқиндан алоқада бўлишга имкон беради. Унинг оила аъзолари ва яқинлари билан чукӯр танишишим мумкин. Буни шахсий садоқат деса ҳам бўлади.

— Аммо шахсий садоқатнинг хавфли томонлари ҳам йўқ эмас. Агар раҳномонинг ўзгарса, жойсиз қолишинг мумкин. Чунки сен Брежнев, Черненко, Горбачёв одамисан.

— Бутун дунёда шунақа. Рейган ўз қўриқчиси билан кетади, Буш ўзиники билан келади. Бизда ҳам шундаги.

— Сиз фақат ўзимизнингина эмас, балки бошқа давлатлар раҳбалари ёнида турганингизда, сурон босиб қолмайдими!

— Буни сезмасликка ҳаракат қиласиз. Акс ҳолда қаттиқ халақит беради. Янги ходимларимиз кўпроқ ана шундай вазиятга тушуб қоладилар. Уларни тарбиялаш жараённида ишдан ташқари бошқа њеч нарсага эътибор қиласизларми!

— Кўчаларда-чи! Горбачёвнинг халқ билан фавқулоддаги учрашувлариға тайёр гарлик кўрасизларми!

— Ха, албатта. Лекин келишиб олганимиз. Биз унга халақит бермаймиз, у бизга. Бу Михаил Сергеевич давридан бошланди. Шунинг учун машғулотларимизга ўзгаришишлар киритишига мажбур бўлди. Шундай ишлаш ҳам осон, ҳам қийин. Яхши томони шуки, нияти қора одамда реха пухта бўлмайди, чунки у қаерга боришимиз ва қаерда тўхтамишини билмайди. Бощқа томондан, одамларимизни жойкига қўйишида қўйналиб қоламиз.

— Бу учрашувлар ҳақиқатдан ҳам фавқулоддами ёки олдиндан келишиб ишланжади. Босиб қўрингиз бошқалар кўзига халқ бўлиб қўрингадими!

— Америка ва Хитойдаги учрашувлар режалаштирилган эди. Аммо Горбачёв режалаштирилган жода тўхтамади. Бирор карта ҳам. Узи қаерни танласа, ўша жода учрашув. ўтказди. У билан бу борада келишиш мумкин эмас. Совет Иттифоқида эса бундай учрашувлар умуман режалаштирилмайди.

— Михаил Горбачёв Киевда бўлганида, ходимларингиздан бири олмон орасидан кимдир ташлаган «дипломат»нинг устига ўзини отган. Керак бўлганда ходимларингизни ўзини фидо этишга ҳам тайёрлайсизларми!

— Бу йигит ҳозир ҳам ишляпти. Форосда ҳам бўлган. Биласизми, шундай пайтлар бўладик, ўлаб ўтиришга ҳам вақт топомайсиз. Аммо машғулотлар ўтказилётганда, бундай ҳолатлар ҳам эътибордан четда қолдирilmайди. Ходимларимиз керак пайтда қўриқланашётган одам ҳаётини сақлаб қолиш учун ўзини ҳалок этишга ҳам тайёрларлик қўришиади.

— Машғулотлар пайтида портловчи моддалар устига ташланши учун ўзин зўрланган пайтлар ҳам бўлганни!

— Йўқ бўлмаган. У пайтларда бизлар маҳсус воситалардан фойдаланамиз.

— Худди Киевда бўлганидек, бронежильт ва бошқа маҳсус аниқомлар қўлинингизда бўлмаслиги ҳам мумкинку!

— Тўғри, ўшанда ходимимиз бронежильтсиз эди. Аммо аслида доимо олиб юрамиз. «Дипломат»да қоғозлар эмас, портловчи модда бўлганида бронежильт ҳам унинг ҳаётини сақлаб қоломасди.

— Шунақа ҳолатлар сизнинг фаолиятингизда ҳам содир бўлганими!

— Бўлган. Бироқ бу воқеа қўриқланашётган одамдан анчагина узоқда юз берган. Бизнинг услубимиз кўп «халқали». Шмоновининг Кизил Майдонда ўлга олиниши ёсинингизда бўлса керак! Умуман олганда бундай ҳаракатларни бошқа фуқаролар ҳам содир этишган. Лекин уларнинг ҳаммаси руҳий ҳасталикка чалинганилар экан. Емон томони шуки, бундайлар нима қилишга чоғланнанини ҳатти-ҳаракатидан сезиш жуда кийин.

— Машғулотлар пайтида бундай ҳолатлар ҳам ҳисобга олинидими!

— Бўлмасамчи, жиддий эътибор қиласи.

Шу пайт эшик тақиллади. Валерий Борисовичга машиналар келгани ва ўлга тувиш зарурлигини айтишиди. Президент ўзининг Кремлдаги қаророҳиганда қаёқсадар отланди. Шу пайтнинг ўзидаёткозга кўрнимас қўриқчилик меҳнатишини ишга тувиш кетди.

Бу ёш, келишган йигит билан сұхбатимиз чала қолди.

Уйламизки, мулоқотимиз оҳиргиш эмас ва биз ҳали Президентга яқин турган одамлар ҳақидаги мавзумимизга яна қайтамиз.

Валерий ЯКОВ.

«Семья» ҳафтаномасининг шу йил 42-сонидан.

миз. Лекин ўз ҳалокатини бўйнига олиб, суніқасд қилувчилар янада хавфлироқдир. Раджив Ганди фожеси яқол мисол бўла олади. Одий жиноятчи қылғиликни амалга оширишнинг эмас, айни пайтда қочиб қолиши ҳам ўйлади. Уни ўз вақтида ўлга олиш қийин эмас.

— Турси тадбирлар ўтказилётганда қўриқлашнинг яқин ва узоқ «халқ»лари мавжуд. Бу «халқ»ларга ҳодимларни тайинлашда уларнинг қайси жиҳатларига кўпроқ аҳамият берилади — унвонигами ёки тажрибасига!

— Гап унвонда эмас, қобилиятда. Келинг, Америка қўриқчилари ҳақида гаплашайлик. Улар кейин пайтларда аёлларни ҳам хизматга жалб этиштади. Аёллар душманни илғада шундай ҳоёб қобилиятни етага ридирлар. Аммо улар фақат сигнал бериш билан чекланадилар. Бошқалар ишни оҳирiga етказишиади.

Бизнинг йўриқларимизда ҳар қандай хавфли ҳолатлар эътибордан четда бўлмайди. Яна шундай ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин, ундан кутилиб чиқиш фақат маҳоратагина боғлик. Кимдир ўта сөзигир, кимдир бакувват, уччинисининг яна бошқа ўзига хос ҳислати бор. «Халқ»лар тузиётганда буларнинг ҳаммаси эътиборга олиниади.

— Михаил Сергеевични Кремль ҳовлисида битта депутат ёки маслаҳатчиси билан сұхбатлашиб турганини кўрганиман. Бундай шароитда қўриқчилар улардан маълум масофага узоқлашишиади. Йўриқларингизда бу ҳам акс этирилганми!

— Бундай пайтларда фақат одоб-ахлоқ нуқтаи-назаридан ёндашамиз. Агар сұхбатларга халақит беришишини сезсан, шундай қиласиз.

— Сизларнинг хизматларингиз ДХҚдан ажратилгандан кейин мамлакат ва Россия Президентларни қўриқчилари бошқа-бошқа. Аммо иккι тургүлда қўриқчилар фаолиятни бошқармамиз мувофиқлашириб туради.

— Август воқеаларидан кейин юз берган тозалаш сизларга ҳам тавлукли бўлдими!

— Худди ДХҚдаги каби тозалаш бизда ҳозир ҳам давом этпти. Одамларимизнинг асосий қисми Форосда бўлиб, бурчга садоқатни намоён этишди. Афсуски, бу ерда қолганларнинг кўпчилигига бундай баҳони беролмайман.

— Ҳозир бевосита Президентга бўйсунасизлар. Бундай ҳолатда сизлар шахсий гвардия аёзларни бўлиб қолиб, ҳар қандай бўйруқ ижрочисига айланаб қолишишингиз мумкин эмасми?

— Бизнинг вазифаларимиз ва фаолиятимиз йўриқларимизда қатъий белгилаб кўйилган. Шахсий қўриқчилар ҳеч кимнинг кўлидаги бузғунчи кучга айланмаслиги керак. Ягона мақсад — Президент хавфисизлигини таъминлаш.

— Президент ва қўриқчилар ўртасидаги ўзаро ишонч қай даражада!

— Фақат хавфисизлик бўйича.

— У сизга қандай мурожат қилади, исмингизни айтиб қаирадими ёки унвонигизни?

— Аввал Валерий деб чакирарди, ҳозир эса Валерий Борисович деб.

— Президентга яқинлашганингиз ҳаётингизга таъсир ўтказдими!

— Ҳа, албатта. Масъулит кучайди.

— Демак, Михаил Сергеевич сизга бутунлай ишонса керак!

— Уз хавфисизлиги масаласида — ҳа. Ҳужжатлар бўйича эса уларда нима ёзилғани билан қизиқмаймиз, сақласак бўлди.

— Президент ва унинг оиласини қўриқлаётганда мумкин ва мумкин бўлмаган нарсалар чегарасини қандай аниқлайсиз!

— Одамийлик нуқтаи-назаридан билан. Одоб-ахлоқ бу ерда оддий — бегона оиласа бариб бергана. Вассалом. Шуни эсада тутиш керакки, ҳар бир одамнинг ўзига хос ҳислати ва қизиқиши бўлади. Шу боис, ўзимизни шундай тутишимиз керакки, улар бизнинг борлигимизни мутлақо сизмасликларни керак.

— Сиз Форосда бўлмагансиз, чунки меҳнат таътилида эдингиз. Аммо сизни бирдан гарави «дипломат»ларни лавозимига тайинлашиди.

— Буни жамоамиз ҳал қилган. Михаил Сергеевич бир неча номзод кўрсатиб, қай бирини танлашни ўзимизга ҳавола этди.

Ҳамма одамларни йигиб, масалани ҳал этдик ва бу ҳақда Президентга ахборот бердик. У рози бўлди.

— Машғулотлар пайтида бундай ҳолатлар ҳам ҳисобга олинидими!

— Бўлмасамчи, жиддий эътибор қиласи.

Шу пайт эшик тақиллади. Валерий Борисовичга машиналар келгани ва ўлга тувиш зарурлигини айтишиди. Президент ўзининг Кремлдаги қаророҳиганда қаёқсадар отланди. Шу пайтнинг ўзидаёткозга кўрнимас қўриқчилик меҳнатишини ишга тувиш кетди.

Бу ёш, келишган йигит билан сұхбатимиз чала қолди.

Уйламизки, мулоқотимиз оҳиргиш эмас ва биз ҳали Президентга яқин турган одамлар ҳақидаги мавзумимизга яна қайтамиз.

Валерий ЯКОВ.

«Семья» ҳафтаномасининг шу йил 42-сонидан.

«КЕЛИШИШ»

Сарлавҳани ўқиб, беихтиёр кулимираган бўлсангиз ажаб эмас. Балки ўзингизнинг ҳам вақтида алланималар хусусида бошқалар билан келишганингиз ёднингизга тушгандир. Бизнинг ҳаҳрамонларимиз ҳам ана шу таҳлит аввал келишиб, сўнг «иши» қилдилар...

— Акам, келишсак бўлладими? — астагина мингирлади «меҳмон» унга рўпра келгач.

— Қанчадан? — гардакам сўради меҳмон ҳеч иккимизмай.

Сўнг иккаласи шивирлашиб бирор тоғришчага, эркакчасига қўл ташлдилар.

— Келишибдик!..

Эртаси куни белгиланган вақтда «меҳмон» кирага олинган КамАЗ юк машинаси билан келишилган ҳукмни баён қилилди. Келишувга биноан энди «мезбон» Расул Ҳайдаров ва унинг «мезбон» шериклари билан биргаликда келишилган 200 та цемент қувурни машинага юклаб берди. Кечабор-барака қилишган 400 сўм

пулни «топиб олсанг ҳам санаб ол» қабилида санаб чўнтағига жойларкан, ўринидан оғир силжига ўтган КамАЗнинг ортидан бақириди:

— Беҳадик ўтаверинглар. Қоровул ҳам бинодан зўрга чиқиб келаётган юк машинасини кўрди-ю қули қўксиди, тавози билиндарозсан очишига ўтурди.

Ҳамма режа келишилгандек бир маромда амалга ошаётганди. Бироқ катта ўйлай турган милиция ҳодимлари келишувнинг белига телициди...

Орадан њеч қанча вақт ўтмай Бекобод шаҳар халқ суди ҳайъати келишилган ҳукмни баён қилилди. Келишувга биноан энди «мезбон» Расул Ҳайдаров ва унинг «мезбон» шериклари билан биргаликда келишилган 200 та цемент қувурни машинага юклаб берди. Кечабор-барака қилишган 400 сўм

«Ю В И Ш»

Авваллари бизда бунақа одат унчалик күп змасди. Лекин кейнинг вақтларда жуда «болалаб» кетди. Кичкинагина бир баҳона топилса бўлди, «ювиш» керак! Оғайнимиз пайпок сотиб олсаям, лото-реяда бир сўм пол ютуғи чиқсаям, кўшнимизнинг сигири туғсаям, дарро «ювиш»ни маслаҳат қиласми. Оқибати яхшилик билан тугаса-ку — хўп-хўп, акси бўлсанчи?

Ўринбой Жалиловникида ул-фатлар сигир түқанин учун ёки бошқа бир майдада, арзимаган воқеа учун йигилишмади, албатта. Аксинса, уй эгасининг ўғлини ҳарбий хизматга кузатишдан олдинги хурсандчиликка тўпланиши. Ахир, қувонмай бўладими, ўғил вояга етди. Энди у бола змас, йигити Буни «ювасдан» бўларканми?

Хуллас, меҳмонларни хона-дон соҳиби билан унинг қариндоши Рафук Омонов кутуб олиши. Дастурхонга нозу неъматлар қатори «бўйни узун»дан ҳам қўйилди.

Бошланди. Аввалига ошдан олдин «разминка» қилиб олиши. Кейин-кейин қолгани табригу олишибар билан уланини кетаверди. Аскар бола номига айтилмаган тилак қолмади ҳисоб. Айтилмайдиганлари ҳам айтилди. «Армияда, ўзи шунақа бўлади, сен фе-қат кўрқма», «ур», «сол», «яяма»...

Нихоят ош ҳам еб бўлинди. Лекин бу кўнгилхушлик ҳам тугади деган гап змас. Рафук меҳмони Абдулла билан қўши хонага ўти. Бир оз яйрадам олиш учун... киморвозликни бошлаши. Ҳаш-паш дегунча мезбон меҳмонни йигирма сўмга тушириди ва ўша заҳоти ютуғини талаб қили. Аччиқланган Абдулла Рафукини болохондор қилиб сўқиб, ёқасига тармашди. Олатасир муштлашиш бошланди.

Қўши хонада ўтирганлар чиқиб, уларни ажратдилар. Рафук қарасаки, костюми дабдала. Гандиралкаб бориб, бир бурчакда ечиб ҳўйилган Абдулланинг курткасини кийиб олди.

— Костюмнинг пулини тўласанг, куртка сенини,— деб шарт қўйди у Абдулла.

— Еч курткани. Йўқса, ўзингдан кўр!

Абдулла шундай дея ёнидан пичоқ чиқарди.

Атрофдагилар шунча тавалло қилишмасин, Рафук унамади. Шунда Абдулла олдини тўсиб турган Эрназарни бир силтаб четга сурди-да, пичоқни Рафукининг бўйнинг қадади. Иссик қон тизиллаб юзига сачрагандагина ўзига келди. Ўзига келдио ташқарига отиди. Қўлидаги тичоқни сақувур остига яшириб, дуч келган томонга қараб қочди.


Рафук касалхонада жон берди...

Андикон туманинаги Охунбобоев номли давлат ҳўжалиги ҳудудида яшовчи Ўринбой Жалилов хонадонида юз берган бу жиноят юзасидан тўплланган материаллар ичиде Абдулла Ураимовнинг муқаддам судланмаганлиги, аммо маҳалла-кўйда доимо безорилик қилиб юриши қайд этилган. (Бераҳм одамдан яхшилик кутуб бўлмас экан-да).

Бу воқеа анча олдин бўлиб ўтганига қарамасдан яна тўхтаплишимизнинг боиси, кимларнидир шунақангни ўйлардан қайтаришга уриниш, оқибати яхшиликка олиб келмаслигини эслатиш. Зоро, ҳар қандай жиноятнинг сўнгги нуқтаси — жазо!

Р. КАРИМОВ,
Андикон тумани ИИБ тер-
гов бўлинмаси бошлиги
милиция майори.

М. ТЎЙЧИЕВ,
ТошДД журналистика кўл-
лиётининг 2-курс талабаси.



УЧЧАЛАСИ уч томонга қараб турган бу кимсаларни бир кўришдаёқ танийсан, албатта. Е дайди, ё «алкашлар». Кейнингиси тўғри. Сураткаш фотокўзгун тўғрилаган пайтда ҳам уччовлон ўз ҳолларича «кайф»да эдилар.

Улар учун «давлат иши қочиб кетмайди», онлода тирикчиликни бир амаллаб ўтказса бўлади. Аммо ичилик! Бу — олий масала!

Куйшибев тумани ички ишлар бўлиминга келтирилган Александр Пологов, Вячеслав Смирнов, Раиль Хайруллинлар нима ҳақда ўйлаштилар — буниси қоронги. Ҳар ҳолда «иккичи ичмайман», деган ўйда змаслар.

Умуна, бундайлар билан сұхбатлашиш, улар ҳақида қозоз қоралаш кўнгил ҳоҳиши змас. Аммо хизмат давомида бундан юз ўтиришининг иложи йўқ. Зоро, бу иллатга қарши чора кўриш, ичиликбозларнинг пайини қирқиши ёки ибора билан айтганда — маддалаган ярани сиқиб ташлаш ҳозирги кунда шарт ва зарур.

Иккичи суратда шу туман ички ишлар бўлими ходими милиция кичик сержант Нориўзи Достонов В. Смирнов билан файзсан сұхбатда.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.

ҲАММАМИЗ ИССИҚ ЖОНМИЗ

Артур Стадик 1954 йилда туғилган. Илгари қамалган. Артур Газинц 1964 йилда туғилган. У ҳам аввал «ўтиришчилик».

Иккалasi учрашиб, ҳасратлашишгач, эски ҳунарларини эслашди. Ҳа, соғиниб қолишишган экан. Улар Чилонзор даҳасига келишди. Ўзларига таниш бир аёлга сим қоқинди. Ҳеч ким жавоб бермади. Демак уй эгасиз. Бемалол «хўжайнинлик» қилса бўлади. Эшик қулф. Ойнани синдириши.

Тунги соат тўртларда рўй берадиган бу воқеа ҳар тугул қўшилларни лоқайд қолдирмади.

Уларнинг бирин-кетин сим қоқишига етиб келган милиция наряди буюмларни сара-лаётган ўғриларнинг иштаҳасини бўғди.

Судда муттаҳамлар нима дейишиди денг?

— Биз Наташанинг ҳолидан хабар олмоқчи эдик. Телефон қилсан, деч ким жавоб бермади. Иссик жон. Бир ўзи турса. Инқилиб-пиқилиб қолган бўлсанчи, деб уйига борсан экшик ёпиқ. Юрагинизга тулғула тушди. Демак омонатини.

Ойна ошиб киришга мажбур бўлдик.

Уй соҳиблари, кечаларни уйда ўтиринглар. Тағин сизни кўргани тунда отлангани таниш-билишларнинг эшик қолиб деразадан кириб юришмасин. Кўни-қўшинингизнинг уйкуси зиёнрак бўлса майли-я. Акси бўлса, бармогингизни тишлаб колманг.

Нур БАДИА.

ЭЪЛОН

1963 йилда Азимов Алимжон Толижонович номига берилган ВЗ № 465414 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги учун бекор қилинади.

«ДОСТОУ КСТАГАН РЎЗНОМА!

АГАР —

ҲУҚУҚИИ МАСЛАҲАТГА МУҲТОЖЛИК СЕЭСАНГИЗ,
ЯНГИ ҚОНУН ШАРҲЛАРИ БИЛАН ТАН ИШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ.

ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ,

ҚАТАГОН ИИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ,

ЖИНОЯТЧИЛИК БИЛАН ҚУРАШ АҲВОЛИДАН ҲАБАРДОР БУЛИШНИ ИСТАСАНГИЗ,

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИҚР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ

ЭШТИЛИШНИН ҲОҲЛАСАНГИЗ,

АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,

СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БУЛИНГ.

У БУ ИИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РЎЗНОМАДИР.

ОБУНА БАҲОСИ — БИР ИИЛГА 15 СҮМ 60 ТИИИН, ЯРИМ ИИЛГА 7 СҮМ 80 ТИИИН,

УЧ ОИГА З СҮМ 90 ТИИИН.

ОБУНА РАҚАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.

ҚЕЛГУСИ ИИЛИ РЎЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА НАРХИ ЭСА-УЗГАРМАДИ.



Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лошатин кўчаси, 1.
Узбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Мехнат Қизил

Байроқ орденли босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлими — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)
Орган коллегии МВД
Республики Узбекистан
26399 нусхада чоп этилди.